



**ТАСДИКЛАЙМАН»**  
Косонсой туман Ободонлаштириш  
бошқармаси  
раҳбари Б. Бобохонов

Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси  
“Менинг йўлим” лойихаси орқали энг кўп овоз тўплаган Косонсой туман Учкўрғон МФЙ Достон  
кўчасини жорий таъмирлаш буйича

## **ТАНЛОВ УТКАЗИШ УЧУН**

### **ТЕХНИК ТОПШИРИК**

Косонсой туман 2022 йил

## ТАЛАБЛАР

1	Объект номи	Наманган вилояти, Косонсой туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан "Менинг йўлим" ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган Косонсой туман "Учқўрғон" МФЙ Достон кўчасини жорий таъмирлаш.
2	Буюртмачининг тулик номи	Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртмачининг юридик манзили	Наманган вилояти Косонсой туман М.Аъзам МФЙ
4	Танлов утказиладиган манзил	Косонсой туман М.Аъзам МФЙ
5	Бажариладиган ишлар тугрисида изох	Таъмирланадиган йўлни смета хужжатлари ва экспертиза асосида бажариш
6	Ишнинг техник тавсифи	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги коидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
7	Ишларни бажариб бериш шартлари	Бажариладиган ишларни тулик сифатли талаб даражасида бажариб смета хужжатлари ва экспертиза асосида бажариб берилди
8	Иш миқдори	Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.
9	Бажарувчига қуйиладиган талаблар	Наманган вилояти, Косонсой туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан "Менинг йўлим" ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган Косонсой тумани "Учқўрғон" МФЙ Достон кўчасини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун малакали мутахассисларга эга бўлиши, махсус техникаларга эга бўлиши, Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингда ишончлилик даражаси юкори бўлиши зарур, шу соҳада камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлиши керак, солиқ ва бошка мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўлмадлиги, молиявий барқарор бўлиши шарт, буюртма берилганда тез муддатларда бажарилиши шарт. Лойиҳа смета хужжатларда кўрсатилган талаблар асосида ишларни бажарилиши шарт
10	Молиялаштириш манбайи	«Бюджет» маблағлари
11	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Бажарувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг қорхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шартнома суммаси тахминан 869 565 217 (Саққиз юз олти миш тўққиз миллион беш юз олти миш беш минг икки юз ўн етти) сўмлик ишлар бажаралиши режалаштирилган.
12	Тулов шартлари ва шакллари	Контракт шартларига асосан

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома  
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Косонсой туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан Наманган вилояти, Косонсой тумани, "Менинг йўлим" ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган Косонсой тумани, "Учқўрғон" МФЙ, Достон кўчаларини жорий таъмирлаш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 869 565 217 (Саккиз юз олтмиш тўққиз миллион беш юз олтмиш беш минг икки юз ўн етти) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Косонсой туман ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Почта манзили: \_\_\_\_\_, Наманган вилоят, Косонсой тумани, М. Аъзам МФЙ, Шохчинор кўчаси, 4-уй Эл.адрес: [200060024\\_512000026@uzex.uz](mailto:200060024_512000026@uzex.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: -танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; -шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; -танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; -ўз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; -танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоздан кам бўлмаган ҳолда); -Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: -кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Косонсой туман Ободонлаштириш  
бошқармаси раҳбари:



Б.Бобохонов